



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShKARUVINING Қ А Р О Р И

Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сон қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 2536-сон, 2013 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил., 51-сон, 670-модда) Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк Раиси

Тошкент ш.,
2017 йил 11 ноябрь,
31/2 -сон



M. Nurmuratov
М. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2017 йил 11 ноябрдаги
31/2 - сон қарорига
ИЛОВА

Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан резидентлар томонидан чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;”.

2. 2-банддаги “Ваколатли банклар» деган сўзлар “Тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банддаги “ваколатли банклар” деган сўзлар “тижорат банклари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

“6¹. Қуйидаги операциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

10 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элда инвестиция фаолиятини амалга ошириш – резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш (ёки улушли иштирок этиш), чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш учун чет элга маблағлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан норезидентларга кредитлар ва пул, товарлар (хизматлар) кўринишидаги қарзлар ҳамда лизинг объектларини бериш;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварақлардан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулкни сотиб олиш учун ўтказиш.”.

5. 7-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ваколатли банкка” ва “ваколатли банк” деган сўзлар тегишлича “тижорат банкига” ва “тижорат банки” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 8-банддаги “ваколатли банкларга” деган сўзлар “тижорат банкларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 9-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “ваколатли банк” ва “ваколатли банкни” деган сўзлар тегишлича “тижорат банки” ва “тижорат банкни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “ваколатли банк” ва “ваколатли банкнинг” деган сўзлар тегишлича “тижорат банки” ва “тижорат банкнинг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 11-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги “ваколатли банкка” деган сўзлар “тижорат банкига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“12. Резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи бошқа тижорат банкига ўтказилган тақдирда, кейинги валюта операцияларининг ҳисоби резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи ўтказилган тижорат банки томонидан юритилади.

Резидентнинг валюта операциялари бўйича ҳужжатлари тижорат банклари ўртасида тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказилади.

Далолатномага мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда резидентнинг яқунланган валюта операциялари тўғрисидаги ҳамда бошқа тижорат банкларидан олинган маълумотлар илова қилинади.”.

11. Низомнинг 1 ва 2-иловаларидаги “ваколатли банкнинг” деган сўзлар “тижорат банкининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.